ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КИЧИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ЎРНИ

Адилбеков А.А.
Тошкент иқтисодиёт ва педагогика университети ўқитувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.16794212

ANNOTATSIYA

Аҳолини истеъмол озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни кондириш долзарб муаммо ҳисобланади. Мақолада Янги Ўзбекистон шароитида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш йўлида қандай имкониятлар Республикада яратилаётганлиги ва асосий ривожлантириш мақсадлари белгилаб берилган.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар аниқланган. Кичик саноат корхоналарини саноат корхоналари ишлаб чиқаришдаги ўлушларини ўсиб бориши аниқланган. Озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ва барқарор ривожланиши талаб ва таклиф асосида уларни ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган хомашё ва ярим тугалланмаган маҳсулотлар билан таъминлаш занжирини ривожлантириш зарурлиги кўриб чиқилган. Кичик озиқ-овқат саноат корхоналарини жойлаштиришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари аниқланган.

Озиқ-овқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш хомашёлар етказиб берувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари ва ёрдамчи хўжаликларни озиқ-овқат занжирига киритиш асосида самарали бозорни яратиш

KALIT SO‘ZLAR

озиқ-овқат саноати, ишлаб чиқариш, иқтисодий самарадорлик, самарали дастурлар, молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш технологиялари занжири, инфратузилма, экспорт ҳажми, кичик саноат корхоналари, озиқ-овқат қиймат занжири, табиий омиллар, кичик озиқ-овқат корхоналарига таъсир этувчи анъанавий омиллар, иҳтисослашув, транспорт омиллари, меҳнат бозори, бозор инфратузилмалари, молиявий омиллар, озиқ-овқат саноат занжири.

механизми ишлаб чиқилган. Кичик озиқ-овқат ишлаб чиқаришини таъминловчи ишлаб чиқариш занжири таклиф этилган.

АННОТАЦИЯ

Удовлетворение потребности населения продовольственной продукции является актуальной проблемой. В статье в условиях Нового Узбекистана рассматриваются необходимость развития продовольственной отрасли, её проблемы. Обеспечение эффективной организации работы продовольственной отрасли необходимыми сырьевыми материалами на основе закона спроса и потребления, обеспечивая на основе цепной связи.

Рассмотрены вопросы размещения малых предприятий продовольственной отрасли, экономические цепные связи между производителями сельскохозяйственной продукции с перерабатывающими предприятиями. Предложена цепная связь производственных малых предприятий потребительской продукции.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

продовольственная отрасль, производство, экономическая эффективность, эффективные программы, финансовые ресурсы, цепь производственной технологии, инфраструктура, объём экспорта, малые продовольственные предприятия, факторы, влияющие на развитие малых предприятий, традиционные факторы, рынок труда, рыночная инфраструктура, транспортные факторы, специализации, цепная связь продовольственной отрасли.

ABSTRACT

This article discusses the need to develop the food industry and its problems in the context of modern Uzbekistan. Meeting the population's demand for food products is a pressing issue. It discusses the effective organization of the food industry's work with the necessary raw materials based on the law of supply and demand, ensuring a chain connection.

KEYWORDS

food industry, production, economic efficiency, effective programs, financial resources, production technology chain, infrastructure, export volume, small food enterprises, factors affecting the development of small enterprises, traditional factors, labor market, market

The article examines the location of small enterprises in the food industry and the economic chain links between agricultural producers and processing enterprises. A chain link between small consumer goods manufacturing enterprises is proposed.


infrastructure, transport factors, specialization, chain link of the food industry.

Янги Ўзбекистон шароитида маҳаллий озиқ-овқат саноатини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар соҳанинг барқарор ривожланиш тенденцияларига эришиш имкониятларини яратди. Жумладан, “Сўнгги йилларда республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 миллиард АҚШ долларидан ва уларнинг йиллик экспорти ҳажми 510 миллион АҚШ долларидан ошди. Шунингдек, охирги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турдаги 289,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайди. Республика саноатида озиқ-овқат саноати улуши 14 фоиздан 16,6 фоизга ошди”[1]. Шунга қарамай, республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш салоҳиятидн бугунги кунда етарли даражада фойдаланилмаётганлиги турли ҳукумат қарорлари, жумладан, Президент Ш.М. Мирзиёевнинг соҳа тадбиркорлик субъектлари билан учрашувларида бир неча бор таъкидлаб ўтилган.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакат озиқ-овқат саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар самарадорлигини таъминлашда қуйидаги тизимли муаммолар (1-расмга қаранг) мавжуд эканлиги аниқланди:

- молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги – кичик ва ўрта турдаги корхоналарнинг молиявий имкониятларининг чекланганлиги билан биргаликда, уларни тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган кредитлаш хизматларидан фойдаланиш жараёнидаги кредит таъминоти билан боғлиқ молиявий муаммоларга дуч келиши;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-36-сон фармони, 16.02.2024 й.



1-расм. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар[2]

- озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш технологияларининг эскирганлиги – маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларда илғор технологиялар ва инновцияларни, замонавий ишлаб чиқариш воситаларини амалиётга жорий этилишидаги сусткашлик. Аксарият ҳолатларда маънавий эскириш ҳолатидаги ишлаб чиқариш техникалари асосида ишлаб чиқариш жараёнларини қуроллантириш ҳолатлари намоён бўлади;

- озиқ-овқат саноати ва ёндош тармоқлар инфратузмалари билан боғлиқ муаммолар – озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳом ашё таъминоти, яъни, қишлоқ хўжалиги, жумладан, логистик хизматлар кўрсатишнинг ташиш, сақлаш ва соҳадаги қайта ишлаш тизимлари инфратузилмаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги;


- экспорт ҳажмининг чекланганлиги – маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миллий стандартлар тизимига мос келган ҳолда, уларнинг халқаро даражадаги маҳсулот сифати, унинг хавфсизлиги ва экологик стандартлар талабларига мос келмаслиги.

Янги Ўзбекистон шароитида республика вилоятларида кичик саноат зоналарини ташкил этган ҳолда мамлакат саноатининг риволаниш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жумладан, кичик саноат корхоналарини иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Хусусан, кейинги йилларда ҳукумат томонидан “махсус

[2] Муаллиф томонидан тузилган

иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада соддалаштириш, инвестициялар жалб қилиш учун шароитларни яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш”[3] устувор вазифасини белгилаб берилганлиги вилоятларда кичик саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича тизимли ислоҳотлар изчил давом эттирилишидан далолат беради.

Таҳлилларга кўра, кичик саноат корхоналари мамлакат иқтисодиётида устувор аҳамият касб этувчи хўжалик юритиш шакллари қаторидан ўрин эгаллаган ҳолда, мамлакат иқтисодий ривожланиш тенденцияларига юқори даражада ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, 2010-2024 йилларда мамлакат ЯИМ ҳажмида кичик саноат корхоналарининг улуши ўрта ҳисобда 60,4 фоизни ташкил этиб, таҳлил этилаётган даврда кичик саноат корхоналарининг ЯИМдаги улуши динамик ривожланиш тенденциясига эга бўлган ҳолда, 2010-2016 йилларда 60,8 фоиздан 67,2 фоизгача етган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич 54,3 фоизга тенг бўлди (2-расмга қаранг). Ушбу ҳолат 2017 йилдан бошлаб мамлакатда Янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши шароитида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг либераллашуви кучайиб, саноат корхоналари таркибида ўрта ва йирик турдаги корхоналар сони ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.



2-расм. Ўзбекистонда кичик саноат корхоналарининг ривожланиш тенденциялари, фоизда[4]


[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-153-сон фармони, 13.06.2022 й.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган

Шу билан биргаликда, таҳлил этилаётган даврда мамлакат жами саноат ишлаб чиқариши таркибида кичик саноат корхоналарининг улуши ўрта ҳисобда 32,4 фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ҳам динамик ривожланиш тенденциясига эга бўлганлиги билан характерланади. Маълумотларга кўра, 2010-2016 йилларда жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кичик саноат корхоналарининг улуши 26,6 фоиздан 45,3 фоизга етган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 25,8 фоизни ташкил этиб, 2024 йилда эса 32,4 фоизга тенг бўлди (2-расмга қаранг). Экспертлар томонидан кичик саноат корхоналарининг ялпи саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улушининг ривожланиш тенденциялари динамик тенденцияга эга бўлиб келаётганлиги, саноат тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши, юқори қўшилган қийматга, ҳамда, илм-фан сиғимкорлиги жиҳатидан кичик корхоналарга нисбатан катта салоҳиятга эга бўлган ўрта ва йирик саноат корхоналари фаолияти ривожланиб бораётганлиги билан биргаликда, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини вертикал ва горизонтал диверсификациялаш жараёнлари жадаллашиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Юқорида ўтказилган таҳлилларга асосланган ҳолда, мамлакат озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда кичик саноат корхоналари ўртасида ўзаро иқтисодий манфаатдорлик асосида иклюзив, самарали ва боғланган бозорларни яратишда озиқ-овқат қиймат занжирларига кириш имкониятларидан фойдаланишга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Янги Ўзбекистон шароитида бюджет-солиқ, пул-кредит, божхона тарифлари, озиқ-овқат саноатида амалга оширилаётган давлат сиёсати, озиқ-овқат маҳсулотлари бозор нархларининг шаклланиши кичик саноат корхоналарини жойлаштириш механизмиларига ўз таъсирини ўтказиб, улаарни энергия манбаларига яқинлашуви, бозордаги потенциал талаб ва таклифга қараб ҳамда, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турига қараб ҳом ашё таъминоти занжирига яқинлашувини кучайтирмоқда. Шу билан биргаликда, озиқ-овқат саноати кичик корхоналари жойлашувида ёндош тармоқлар инфратузилмаси, жумладан, логистик хизматлар кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини бузмааган ҳолда узоқ вақт сақлаш имконини берувчи замонавий музлатгичлар билан қуролланган омборларга яқин ҳудудларда жойлаштирилиши ҳолатлари ҳаам сўнгги йилларда кўзга ташланмоқда. Умуман олганда, кичик озиқ-овқат саноати корхоналари жойлашувига табиий, анъанавий, транспорт, меҳнат бозори, бозор инфратузилмаси ва молиявий ресурслар билан боғлиқ бўлган омиллар таъмир кўрсатиб, улар қуйидагича изоҳланади:

- табиий омиллар – бу турдаги омиллар кўпроқ корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулоти тури бўйича ҳом ашё таъминоти занжирига, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликларига яқин бўлган ҳудудларда жойлаштирилади. Одатда бундай жойлашув ҳом ашё таъминоти билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни қисқариши ҳисобига корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бозор баҳосининг пасайишига олиб келади. Шу билан биргаликда, мазкур омилларга устуворлик қаратилиши корхона томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотининг бозор ҳудудларидан узоқлашишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса аксинча, у томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бозор нархини ташиш ҳаражатлари ҳисобига ортишига олиб келиши мумкин бўлади. Одатда табиий омилларга қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларни узоқ-муддат сақлаш ёки уларни ташиш жараёнида сифат бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳолатлар кўп учраганда устуворлик қаратган ҳолда кичик озиқ-овқат саноат корхоналарининг жойлаштирилиши кўзга ташланади. Жумладан, ушбу омил ҳудуднинг табиий-иқлимий шарт-шароитлари, ҳудуднинг географик жойлашуви, ҳамда экологик вазият билан боғлиқ бўлган жиҳатларини ҳам ўз ичига олади;



3-расм. Кичик озиқ-овқат саноати корхоналарини жойлаштирилишига таъсир кўрсатувчи омиллар[5]

- анъанавий омиллар – бу корхона жойлаштирилиши мумкин бўлган ҳудудларда муқобил ҳолатдаги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш корхонаси учун ажратилган ер майдонларида ишлаб чиқариш нуқталарини ташкил этилиши назарда тутилади. Бунда мамлакат иқтисодиёти учун хос

[5] Муаллиф томонидан тузилган

бўлган хусусиятлардан келиб чиқиб, шаклланган ишлаб чиқариш нуқтасини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий анъаналар назарда тутилади. Мамлакатимиз амалиётида бу турлаги омиллар кўпроқ табиий омиллар билан боғлиқликда, яъни, ҳудуднинг географик жойлашуви, табиий-иқлимий шарт-шароитлари, экологик вазият ҳамда истеъмол бозорларига яқин жойларда жойлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади;

- транспорт омиллари – бунда корхона томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган ҳом ашёни ташиш учун қулай транспорт инфратузилмаси мавжуд бўлган ҳудудларда ишлаб чиқариш нуқталарини жойлаштирилиши назарда тутилади. Иқтисодий адабиётларда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунда мамлакатимиз амалиётида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари бозор нархи шаклланишида транспорт хажаратлари маҳсулот нархининг ўрта ҳисобда 10-15 фоиз[6] улушга эга эканлиги аниқланган. Бундан кўриниб турибдики, кичик корхоналар учун транспорт омиллари билан боғлиқ ҳолда уларни жойлаштирилиши улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бозор баҳосига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг бозор айланмси ҳажмининг нарх ортиши ҳисобига камайишига сабаб бўлиши мумкин бўлади;

- меҳнат бозори омиллари – бунда кичик озиқ-овқат саноати корхоналарини жойлаштиришда меҳнат бозоридги талаб ва таклиф, жумладан ҳудуддаги демографик омилларни инобатга олиш талаб этилади. Бу турдаги омиллар бир тарафдан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ёлланма ишчиларни ишга ёллаш билан боғлиқ бўлган харажатларга ўз таъсирини кўрсатса, бошқа тарафдн корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳудуддаги озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридаги потенциал талаб ҳажмини баҳолашга имкон беради;

- бозор инфратузилмаси омиллари – бу турдаги омиллар қаторига банк ва молия институтлари, лизинг, суғурта, биржа кабиларни киритиш мумкин бўлиб, улар кичик саноат корхоналарини моддий ва молиявий ресурслар билан тезроқ ва самарали айрбошлашини таъминлашга хизмат қилади. Бозор инфратузилмаларининг янги илғор ва информацион технологиялар асосида кичик саноат корхоналарини жойлаштиришда муҳимлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари замонавий ахборот технологиялари ҳамда алоқа тизимини шакллантириш кичик саноат корхоналарини жойлаштиришда янги ва юқори сифат даражаларига эришиш учун имкон очиб бермоқда. Юқори

[6] Турсунова Н., Шаропова М. Кичик инновацион саноат корхонларни жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Yosh olimlar: ilmiy-amaliy konferensiya. 2023 y. – 101-107 betlar

илғор технологияларга асосланган информацион технологияларнинг қўлланилиши саноатнинг нафақат, кичик саноат балки, барча тармоқларида таркибий ўзгаришларга етаклади. Натижада, информацион манбаалар ва технологиялар кичик саноат корхоналарни жойлаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Кичик саноат корхоналарини ривожлантириш ва жойлаштириш институционал ўзгаришларга, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш учун маълум қулай шароитлар яратилиши билан боғлиқ ҳисобланади;

- молиявий омиллар – бунда молиявий ресурсларнинг асосий манбааи сифатида минтақаларда инвестицион муҳитни яратиб, унинг жозибадорлигини таъминлаш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини кенгайтириш ва кичик корхоналарни жойлаштириш, аҳоли маблағларини жалб қилиш орқали инвестицион фаолликни ошириш, турли бюджетдан ташқари жамғармалар ва халқаро молия ташкилотлари грантидан унумли фойдаланишни кўрсатиш мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда республика ҳудудларида уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишитириш бўйича ихтисослашган агрокластерлар фаолиятини, жумладан, вилоятлар кесимида кичик саноат зоналарини ташкил этган ҳолда кичик саноат корхоналарини ривожлнтиришга устуворлик қаратилиб келинаётганлигини инобатга олган ҳолда, кичик иқтисодий субъектлар, жумладан, кичик озиқ-овқат саноати корхоналари, кичик қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртсида ўзаро иқтисодий манфаатдорликка асосланган инклюзив, самарали ва боғланган бозорларни яратиш амалиётига ўтишда озиқ-овқат маҳсулоти тури бўйича қиймат занжирларига биргаликда киришиш механизмини ишлаб чиқдик (4-расмга қаранг).

Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликлари фаолияти улар томонидан етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи кичик саноат корхоналари билан интеграциялаштирилиб, кооперацион муносабатлар асосида озиқ-овқат маҳсулоти тури бўйича қиймат занжиридаги кичик субъектлар иштироки ташкил этилган бўлса, кейинчалик, бозор рақобати курашининг кучайиши сабабли қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи, жумладан, етиштирилган маҳсулотларни ташиш, сақлаш, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш каби хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳам мазкур интеграцион бирлашма фаолиятига қўшиб олинганлиги билан характерланади.




4-расм. Кичик субъектлар ўртасида озиқ-овқат занжирига киришиш орқали инклюзив, самарали ва боғланган бозорларни яратиш механизми[7]

Бу эса ўзаро иқтисодий манфаатли ҳамкорлик асосида кичик субъектлар томонидан инклюзив, самарали ва боғланган бозорларни яратиш имкониятини вужудга келтиради. Бунда ишлаб чиқариш харажатлари, жумладан, вақт ва капитал сарфини кескин камайтирганлиги сабабли, рақобат курашида рақобатчи йирик корхоналарга қараганда нисбий устунликка эга бўлиш имкониятларини кенгайтириши илмий асосланган. Натижада кичик озиқ-овқат саноати корхоналари ўрта ва йирик турдаги корхоналар билан бемалол рақобатлаша оладиган даражада маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишади.

Шу билан биргаликда, республика ҳудудларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда,

[7] Муаллиф томонидан тузилган

кичик озиқ-овқат саноати корхоналарини ўзаро мунтаносибликда “нуқтали” кичик саноат зоналарини ташкил этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш занжири таъминотини мустаҳкамлашга қаратилган давлат дастурларини амалга оширишга устуворлик қаратиш керак бўлади. Бундай усул орқали кичик озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини ривожлантириш ҳудудий ихтисослаштиришга қаратилган дастурларнинг таркибий компоненти ҳисобланди. Бунда махаллий бошқарув органлари томонидан давлат хусусий шериклик механизми асосида кичик озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. Шунингдек, кичик озиқ-овқат саноати корхоналарига имтиёзли молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида тегишли тижорат бандалари ва лизинг компаниялари ҳам бириктирилади (5-расмга қаранг).



5-расм. Ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашуви асосида “нуқтали” кичик озиқ-овқат саноати зоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш занжири таъминотини қўллаб-қувватлаш механизми[8]

Бу орқали кичик озиқ-овқат саноати корхоналарининг молиявий ресурсларга бўлган талаби, ҳамда кичик саноат корхоналарини жойлаштиришда бозор инфратузилмаси омиллари самарадорлигини таъминлашга эришилади.

Таклиф этилаётган ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашуви асосида “нуқтали” кичик озиқ-овқат саноати зоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш занжири таъминотини қўллаб-қувватлаш механизмининг яна бир ўзига хос жиҳати кичик озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан аграр ва бозор хизматлари кўрсатиш амалиётининг мавжудлигида намоён бўлади.

[8] Муаллиф томонидан тузилган.

Бунда бу турдаги хизматлар кўрсатувчи кичик иқтисодий субъектлар ҳудудий интеграцион-кооперацион қишлоқ хўжалиги бирлашмасига бириктирилиб, нафақат кичик озиқ-овқат саноати корхоналарининг ўз эҳтиёжлари, балки бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ҳам бу турдаги хизматларни кўрсатиши мумкин бўлади. Бу эса ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги билан ўзаро мутааносибликда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Озиқ-овқат саноат корхоналарини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда кичик озиқ-овқат корхоналарини ўрнини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

- давлат даражасида мамлакатда озиқғовқат саноатини барқарор ва самарали ривожланиб боришини таъминлаш, молиявий ресурслар билан, ишлаб чиқариш технологияларини инновацион тарзда янгилаш билан, бозор инфратузилмарини инновацион тарзда ривожлантириш ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун импорт ва экспорт муаммоларини талаб ва таклиф асосида ташкил этиш зарур;
- республика ҳудудларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича иҳтисослашувидан келиб чиққан ҳолда, кичик озиқ-овқат саноат корхоналарини ўзаро мутаносибликда “нуқтали” кичик саноат озиқ-овқат зоналарини ташкил этишда маҳсулот ишлаб чиқаришда занжир таъминотини мустаҳкамлашга қаратилган давлат дастурларини амалга оширишни таъминлаш лозим;
- таклиф этилган ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигига иҳтисослашуви асосида саноат корхоналари томонидан аграр ва бозор хизматларини кўрсатиш мажмуасини ривожлантириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга иҳтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат

маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолият самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 13 июндаги ПФ-153-сон фармони.
5. Алтухов А.И. Продовольственная безопасность в контексте реализации новой редакции ее доктрины // Вестник Курской государственной сельскохозяйственной академии, № 9, 2020. – с. 82-89.
6. Қурбонова А.Д. Озиқ-овқат саноати корхоналарида персонални мотивациялаштиришнинг ўрни ва аҳамияти. Иқтисод ва молия, № 9 (145), 2021. – 42-47 бетлар.
7. Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит – Т., 2011, № 6, 38-42 б.
8. Иванова Г.Н., Окрепилов В.В., Окрепилова И.Г. Развитие теории управления качеством с целью устойчивого развития и повышения качества жизни. Качество и жизнь. № 1. 2016. – с. 3-9.
9. Яськин А.Н. Обеспечение безопасности пищевой продукции в рамках интегрированных систем менеджмента. Национальные интересы: приоритеты и безопасность. № 18 (111), 2011. – с. 71-76
10. Bresciani S. Open, networked and dynamic innovation in the food and beverage industry. British Food Journal Vol. 119 (11), 2017. – pp. 2290-2293
11. Majid I., Nayik G. A., Dar S. M., & Nanda V. Novel food packaging technologies: Innovations and future prospective. Journal of the Saudi Society of Agricultural Sciences Vol. 17 (4), 2018. – pp. 454-462